Тошкент оқшоми

Иҗтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 102 (8. 044) ◆ 1992 йил 26 май, сешанба ◆ Нархи 1 сўм

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«НАВРЎЗ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий маданиятни, анъаналар ва урф-одатларни ривожлантириш соҳасида республика фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтириш ва уларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига риоя этиш, маънавий қадриятларни тарғиб қилишга, аҳоли барча табақаларининг миллатлараро тотувлигини, дўстлигини, ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, давлат бошқаруви идораларининг, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг хайрли фаолиятини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокомпаниясининг, Болалар жамғармасининг, Ногиронлар жамиятининг, Қизил яримой жамиятининг, Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг, шунингдек республикадаги бошқа бир қанча жамоат ташкилотларининг «Наврўз» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгиланснки, «Наврўз» хайрия жамғармасини рўйхатдан ўтказиш ва унинг фаолият кўрсатиши, корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг жамғарманинг хайрия тадбирларида иштирок этиши билан боғлиқ имтиёзлар бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва ҳукумат қарорлари билан аниқлаб қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Давлат банки ва бошқа банклари 1992 йилнинг 14 майида ўтказилган умумхалқ хайрия хашари ва «Наврўз» телемарафонидан тушган маблағларни «Наврўз» жамғармасининг ҳисобига ўтказиш ишларини бир ой муддат ичида амалга оширсинлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг Маданият вазирлиги, Давлат матбуот комитети, Давлат телерадиокомпанияси республикада ўтказилаётган хайрия тадбирларини оммавий ахборот воситаларида, телевидение ва радио орқали кенг ёритсинлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида «Наврўз» хайрия жамғармасининг самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитларни яратиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 23 май.

«Шарқ» Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида Рихсивой Тошмуҳамедовни ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Чунки у 20 йилдирки, пойабзал тикиш касбини улуғлаб келади.
СУРАТДА: Рихсивой Тошмуҳамедов.
Андрей Пишненко сурати.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

⊙ Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Карл Хайнц Куна 25 май куни Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиқларини топширди.

⊙ 25 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Яман Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида Қўшма баёнот имзоланди.

⊙ Самарқанддаги «Канопс» заводи қошида фаолият юргизаётган «Арго»» кичик корхонаси ходимлари яхшиланган конструкциядаги пайвандлаш жиҳозлари тайёрлашни ўзлаштирдилар. Ана шу маҳсулот халқаро «Интеросиё-92» кўргазмасида намойиш этилган ва у хорижий мамлакатларнинг кўпгина мутахассисларида катта қизиқиш уйғотган эди.

⊙ Андижондан Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция йўлга чиқди. Экспедиция Бобур юрган йўллардан ўтади. Бундан мақсад хорижий мамлакатларда яшаётган Бобур авлодларини излаб топиш, бобурийлар ҳақидаги халқ орасида сақланиб қолган ривоятларни тўплашдан иборатдир.

⊙ Урганчда Тошкент Давлат тиббиёт илмгоҳининг бўлими очилди. Бу йил даволаш куллиётининг 1-босқичига 120 йигит-қизни қабул қилиш режалаштирилган.

⊙ Озиқ-овқат саноати лойиҳа-конструкторлик Ўрта Осиё илмий-тадқиқот илмгоҳи мутахассислари ёғ олиш учун мўлжалланган чигитни дастлабки қайта ишлайдиган янги линия яратдилар. Кўп кўрсаткичлари жиҳатидан у мамлакатимизда ва чет элларда ишлатилаётган бундай линиялардан афзалдир.

ҲАМДЎСТЛИКДА

⊙ Кеча Москвада Россия ва Қозоғистон Президентлари Борис Ельцин ва Нурсултон Назарбоев икки мустақил давлат ўртасида дўстлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

⊙ Кеча Кишиневда республика парламенти сессиясининг фавқулодда мажлиси бошланди. Унда «чет эл ҳарбий интервенцияси муносабати билан республикада юзага келган вазият» муҳокама этилмоқда. Республика Президенти Мирча Снегур ана шу масала юзасидан сўзга чиқди.

⊙ Кеча Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл расмий ташриф билан Москвага келди.

⊙ Июнь ойининг ўрталарида Олмаотада Қозоғистон ишбилармонларининг биринчи анжумани бўлиб ўтади. Бу анжуманни ўтказишдан мақсад Қозоғистонда иқтисодий ислоҳотларни тезлаштиришга манфаатдор тадбиркор кишиларнинг қатлами ташкил бўлганлигини кўрсатишдир.

⊙ Москва ҳукумати бошқармасининг бошлиғи А. Королько яқин вақтлар ичида яна нарх-наволарнинг ошажаклигини эълон қилди. Яна нон, сут ичимликлари, арақ нархи ошадиган бўлди.

⊙ Москва кенгаши Лубянка майдонидаги собиқ Дзержинский ҳайкали шоҳсупасига давлат хавфсизлиги органлари қатағон этган жабрдийдаларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида хоч ўрнатишни мўлжалламоқда. Москвада Ленинга ўрнатилган ёдгорликларнинг 69 тасидан фақат 8 тасини қолдириш режалаштирилмоқда.

ХОРИЖДА

⊙ Португалия пойтахтида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги янги мустақил давлатларга ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман ўз ишини якунлади. Унда жаҳоннинг 60 дан зиёд мамлакати ва 12 йирик халқаро ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.

⊙ Кеча Люблянада Россия ва Словения ташқи алоқалар раҳбарлари бўлмиш Андрей Козирев билан Димитр Рупел ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Россия билан Словения ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги битим имзоланди.

⊙ Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг тайёралари кеча эрта тонгда Ливан узра учиб ўтиб ҳаводан аҳоли турадиган жойларни ўққа тутди. Ҳалок бўлганлар ва жароҳат олганлар бор.

⊙ Ўтган якшанба куни кечқурун Австрия Республикаси ўзининг янги федерал президентига эга бўлди. Бу ерда бўлиб ўтган президент сайловлари якунларига кўра 59 ёшли Томас Клестиль давлат бошлиғи этиб сайланди.

⊙ Жаҳонга таниқли теннисчи Бьерн Борг ўз рафиқаси Лоридана Берте билан ажрашадиган бўлди. Бу никоҳдан уларнинг фарзандлари йўқ.

* Обуна—92

* Муштарий билан мулоқот —— * Муштарий билан мулоқот —— * Муштарий билан мулоқот

КАМАРБАСТАМИЗ

БОЗОР иқтисодиётига ўтиш даври ҳамма соҳа кишиларини ташвишга солиб қўйди. Аммо, бу муайян ўткинчи давр. Айни чоқда синов, чуқур ўзгаришларга дадил ўтиш, тўқ-маъмур ҳаёт, фаровон турмушнинг бошланиши ҳам демакдир. Фақат шундай пайтда тушкунликка тушмаслик, ақл-идрок билан иш юритиш, вазминлик билан фаолият кўрсатишимиз лозим. Доно халқимизда «Кўлга келган тўй» деган мақол бор. Яна «Асл бойлик — қаноат», «Одоб билан бахт топилар, сабр билан — тахт», деган ҳикматлар ҳам мавжуд.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб «Тошкент оқшоми» рўзномаси таҳрир ҳайъатининг биз муштарийларга мурожаат-даъватига қарайдиган бўлсак, унга бефарқ муносабатда бўла олмаймиз.

Севимли ва ардоқли рўзномамизнинг хабар беришича муҳарририят маблағлари «Тошкент оқшоми»ни чоп этишни бардавом қилиш учун мутлақо етарли эмас. «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, рўзномани ҳозирги нарх-наволарда 1992 йилнинг иккинчи ярмида чоп этиш камида 16 миллион сўм қўшимча маблағни талаб этар экан. Бунчалик катта маблағни шаҳар бюджетидан олиш имконияти йўқ. Шуларни эътиборга олган ва рўзномани сақлаб қолиш учун муҳарририят томонидан амалга оширилаётган тадбирларни маъқуллаймиз. Яъни 1992 йилнинг иккинчи ярми учун обунани янгидан расмийлаштирилишида актив қатнашамиз, ўз рўзномамизни оғир аҳволга солиб қўймаймиз. Чунки, бошқа рўзномалардан фарқли ўлароқ «Тошкент оқшоми» ҳафтасига беш маротаба чиқиши, унда жонажон шаҳримиз, қолаверса мустақил жумҳуриятимиз ҳаёти, иқтисодиёти, маданияти, адабиёти, санъати, шунингдек одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, қадриятлар, меросимизга доир қизиқарли, мазмунли материалларнинг берилиши бизни бефарқ қолдира олмайди. «Тошкент оқшоми» биз муштарийлар учун бамисоли ибрат мактаби, ахлоқ-одоб ойнаси. У, муболағасиз айтганда, тошкентликлар учун ҳам, жумҳуриятимизнинг узоқ-яқинида истиқомат қилувчилар учун чорак асрдан бери маслаҳатгўй, суҳбатдош, фикрдош бўлиб қолган! Шу боисдан уни оғир кунларида қўллаб-қувватлаш, обрў-эътибори учун фидойилик кўрсатиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Азиз рўзнома! Биз, сенинг содиқ муштарийларинг, яхши кунларингда ҳам, бошингга мушкул оғирлар тушганда ҳам сенга елкадошмиз. Сени бу оғир кунлардан эсон-омон чиқиб, янада кенгроқ қанот қоқишингга ишонамиз! Обуначиларинг сафи кундан-кунга кенгайиб, ҳамшаҳарларимиз ҳар оқшом сен билан дийдорлашишдек бахтга мушаррафбўладилар, деб ишонамиз.

Малик МУРОДОВ,
профессор.

⊙ Рўзномада хабар қилинганидек, «Тошкент оқшоми»ни 1992 йилнинг иккинчи ярмида олиш истагида бўлганлар шу йил 10 июнгача обунани янгидан расмийлаштиришлари лозим. Хўш, бу иш айни пайтда шаҳримиз алоқа бўлимлари ва жойларда қандай кетмоқда? Рўзнома дўконларида «Оқшом» етарлими? Алоқа бўлимидагилар муштарийларни ўз вақтида рўзнома билан таъминлашяптими? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида биз пойтахтимизнинг бир неча алоқа бўлимларида бўлдик.

Бир ерда яхши, бошқасида акси

ШАЙҲОНТОҲУР районининг 27-алоқа бўлимида бу борада олиб борилаётган ишдан қувондик. Алоқа бўлими ёрдамчиси Сайёра Давлатхўжаева шундай ҳикоя қилади:

— Биз хизмат кўрсатаётган ҳудудда асосан ўзбек миллатига мансуб кишилар яшашади. Шунинг учун «Тошкент оқшоми»га бизда эҳтиёж катта. Хозир муштарийлар кўплаб шу рўзномага обуна бўлишмоқда. Шуни ҳам айтиб қўйишим керакки, ўзимизнинг алоқа бўлимимиз ходимлари ҳам асосан «Оқшом»га қайтадан обуна бўлишмоқда.

Бироқ ҳали кўпчилик рўзномага қайтадан обуна кетаёганидан бехабар. Шунинг учун алоқа ходимларимиз жойларда шу ҳақда тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Лекин ҳамма ерда ҳам иш кўнгилдагидек боряпти, деб бўлмайди. Масалан, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг рўзномага ёзилиши сust.

Ўтган якшанба куни, эрталаб соат 11 лар чамаси. Ҳамза районида жойлашган 145-алоқа бўлими олдида 3—4 киши турибди. Алоқа бўлими иш тартибида дам олиш куни душанба бўлса ҳамки, у берк.

— Шу атрофда тураман, — дейди ўзини Суръат Умаров деб таништирган киши. — «Тошкент оқшоми»га кўп йиллардан бери обунаман. Яқинда рўзномада обуна муддати тугагани ҳамда унга қайтадан обуна бўлиш кераклиги ҳақида ўқидим. Бизда шанба куни иш бўлганлиги сабабли бугун обунани қайта расмийлаштиргани келган эдим. Лекин мана ўзингиз кўриб турганингиздек, алоқа бўлими бугун ишламаяпти. Энди бошқа куни ишдан сўраб келиб, обуна бўлиб кетишимга тўғри келади.

Биз кузатув давомида «Тошкент оқшоми» сотуви қандай кетаётганини билиш мақсадида шаҳарнинг Мустафо Камол Отатурк кўчасида жойлашган рўзномалар дўкони сотувчиси Александр Попов билан суҳбатлашдик. Унинг айтишича, ҳар куни 10 тадан 20 тагача «Тошкент оқшоми» рўзномаси берилар экан.

— Аммо бу рўзнома тез тарқалиб кетади. Муштарийларнинг кўпчилиги бу тақчилликдан шикоят қилмоқда. Шунинг учун бизнинг дўконга яна қўшимча бир нечта «Тошкент оқшоми» берилса яхши бўларди, — дейди у.

— Мен ҳам шу рўзномани кўп йиллик мухлисиман, — дея гапга қўшилди Юнусобод районидаги 15-мавзеси 77-уйининг 4-хонадонида яшовчи, «Зурриёт» етимлар хайрия фирмасининг раҳбари Шарифа Содиқова. — Лекин кўпинча уни ўз вақтида ололмаймиз. Бу ва бошқа рўзномалар бизга икки кундан кейин етиб боради. Гоҳида бир нечта сонларини бир йўла ташлаб кетишади. Натижада рўзномада чоп этилган воқеалар эскириб қолади. Яъни биз учун аҳамияти йўқолади.

Бу ҳақда ҳудудимизда жойлашган 180-алоқа бўлими раҳбарларига бир неча бор арз қилиб борганмиз. Улар фақат битта нарсани сабаб қилиб кўрсатишади. У ҳам бўлса почта тарқатувчининг йўқлиги. Шу ҳам баҳона бўлдими?

Хулоса қилиб айтганда, «Тошкент оқшоми» рўзномасига обуна қилиш ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Бир ерда яхши, бошқасида эса бунинг тамоман акси. Буни биз келтирган мисоллардан яққол кўрса бўлади.

Ўйлаймизки, юқорида тилга олинган ва умуман шаҳар алоқа бўлимлари ушбу мақоладан тўғри хулоса чиқариб оладилар. Чунки обуна даври биз учун ҳам, улар учун ҳам масъулиятли давр.

Ғулом ЮСУПОВ.

«Тошкент оқшоми» муштарийларига!

«Тошкент оқшом» учун 1992 йилнинг иккинчи ярмига янгидан обуна давом этяпти.

ОБУНА БАҲОСИ:

бир ойга — 32 сўм 50 тийин;
уч ойга — 95 сўм;
олти ойга — 195 сўм.

«Тошкент оқшоми» 1992 йил 1 июлдан эътиборан яна хонадонингизга етказиб берилишини хоҳласангиз РЎЗНОМАГА ЯНГИДАН ОБУНАНИ ШУ ЙИЛ 10 ИЮНГАЧА РАСМИЙЛАШТИРИШНИ УНУТМАНГ.

Эслатиб ўтамиз: «Тошкент оқшоми» савдога чекланган миқдорда чиқади ва унинг чакана савдодаги баҳоси обуна никидан юқори бўлади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ОБУНА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БУТУН ҲУДУДИДА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

«Тошкент оқшоми»нинг индекси — 64690.

«Тошкент оқшоми»га обунага монелик қилинган тақдирда 33-29-70, 32-53-79 телефонларига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ

БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳукумат номидан қуйидаги баёнотни беришга вакил қилинган:

Кейинги вақтларда бир қанча оммавий ахборот воситаларида гўё Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги давлат чегараси ёпиб қўйилди, деган хабарлар эълон қилинди. Бу хабар ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки ҳозирги вақтда Ўзбекистон—Афғонистон чегарасидан одамларнинг ўтиши ва юк ташилиши учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. МДҲда қатнашувчи давлатлар фуқароларининг ва хорижий фуқароларнинг келиши ва чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар МДҲда қатнашувчи мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг кенгаши вақтида эришилган ахдномаларга мувофиқ ҳал этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон халқлари ўртасида тарихан таркиб топган анъанавий, дўстона алоқалар мавжуд. Мадомики шундай экан, Ўзбекистон ҳукумати Ўзбекистон—Афғонистон чегарасидаги вазият ҳақида нотўғри хабар тарқатилишини иккала давлат халқларининг дўстлигига нифоқ солиш йўлидаги уриниш, деб ҳисоблайди.

Бир қанча оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон — Афғонистон чегараси товарагидаги кескинлик кучайтирилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат эканини, бинобарин давлат чегарасидаги тартибни Ўзбекистоннинг манфаатларига асосланиб ва ҳамма қабул этган халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ бартараф қилиш учун тўла равишда ҳақли эканини эслатиб ўтиш ўринлидир. Бундан ташқари Афғонистон ҳукуматини тузиш жараёни ҳали ниҳоясига етказилгани йўқ ва унинг раҳбарлари шу пайтгача янги давлатнинг ташқи сиёсати қайси қоидаларга асосланиши тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини айтганлари йўқ. Ўзбекистон Республикаси Афғонистон орқали ташқи дунёга чиқиш учун ўз дарвозасига эга ва бу дарвозани ёпмоқчи эмас.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

О. ҲОЖИЕВА, Ҳ. У. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Н. АМИНОВ ЎРТОҚЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ УНВОНЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ва ижтимоий фаолликлари учун «Гулхан» журналининг бош муҳаррири **ҲОЖИЕВА Ойдинга**, «Саодат» журналининг бош муҳаррири **ХУДОЙБЕРДИЕВА Ҳалима Умматқуловнага**, «Ўзбекистон халқ шоири»; «Муштум» журналининг бош муҳаррири **АМИНОВ Неъматга** «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвонлари берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 24 май.

Неъмат АМИНОВ.

Ойдин ҲОЖИЕВА.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА.

СЎМ МАКОНИ САҚЛАНИБ ҚОЛАДИ

20—22 МАЙ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА СЎМ МУОМАЛАДА БЎЛГАН ЗОНА ДАВЛАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ВА МИЛЛИЙ БАНКЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ

МДҲ давлатлари бошлиқларининг Тошкентдаги учрашувидан кейин Ўзбекистон пойтахтида сўм макони, яъни собиқ Иттифоқ барча республикалари банкирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бундан аввал банкларраро мувофиқлаштириш кенгаши Минск ва Бишкекда йиғилган эди. Ушанда сўм муомалада бўладиган зонани сақлаб қолиш ҳақида келишиб олинган эди. Тошкентда эса: бир хил пул маконида турли давлатлар қандай қилиб бирга яшай оладди, деган саволга жавоб топиш лозим эди.

Агар халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) вакиллари Тошкентдаги учрашувга келмаганларида бу мавзудаги баҳслар ҳали-вери тугамас эди. Бир неча ой мобайнида улар собиқ СССР давлатларидаги вазиятни ўрганди-лар ва натижада молиявий аҳволни соғломлаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқдилар.

ХВЖнинг Европа бўлими директори Одлинг-Сми айтган гаплар учрашувнинг кўпчилик қатнашчилари учун равшан эди. СССР парчаланиб кетгач, ҳар бир давлат ўзига хос кредит сиёсати ўтказа бошлади. Бунинг якунларини собиқ иттифоқнинг барча аҳолиси тўла-тўкис ҳис этди. Валютанинг қадри ҳам бир республикада — ҳар хил. Ички бозорларни ҳимоя қилиш учун талонлар, купонлар жорий қилинмоқда, божхоналар барпо этилмоқда. Пулнинг қадрсизланиши иқтисодий инқирозга олиб бормоқда. Бу жараённи тўхтатиш учун ягона кредит-пул тизимига қайтиш зарур. Айни шу мақсадда ХВЖ Россиянинг марказий банкига кўп миқдорда пул ажратмоқда.

Шу масала хусусида кенгашда ўткир ихтилофлар чиқди. Чунончи, Украина маблағ Россия марказий банкининг тасарруфида эмас, балки банкларраро мувофиқлаштириш кенгашининг ихтиёрида бўлсин, деб талаб қилди. Шундай қилинган тақдирда Украина қарзни узиш мажбуриятини зиммасига олишга тайёрлигини билдирди. Аммо ХВЖ вакиллари коллектив жавобгарлик тўғрисида таклифни рад қилдилар. Барқарорлаштириш жамғармаси ҳаммага фойда келтириши учун берилаётганлиги яна бир бор таъкидланди. Сўм орқали барча республикалар бу жамғармадан баҳраманд бўла оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат банки бошқарувининг раиси Ф. М. Муллажонов банкларраро мувофиқлаштириш кенгаши кўпчилик аъзоларининг фикрини ифодалаб бундай деди: «Сўм маконидаги барча давлатлар сўмни барқарорлаштиришдан баб-баравар манфаатдордирлар. Россия етакчи ўрин тутади, чунки пул ўша ерда босилади. Аммо муаммонинг умумий ечимини излаш керак. Ҳозир пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш — ҳар бир давлат учун энг муҳим вазифадир».

ХВЖнинг таклифлари бандма-банд кўриб чиқилди. Пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш учун умумий пул миқдорини қисқартириш керак. Бунинг учун эса ҳар бир республикага бериладиган кредит чеклаб қўйилиши лозим.

Тошкент учрашувида купонлар ҳақида кўп гапирилди. ХВЖ вакилларининг фикрича, бу — ички бозорни ҳимоя қилишнинг ва пул қадрсизланишига қарши курашнинг унчалик яхши усули эмас.

Ортиқча пул миқдори бошқа республикаларга ўтиб кетмаслиги учун купонлар ва миллий валюталарни жорий этишда банкларраро мувофиқлаштириш кенгаши билан маслаҳатлашиб туриш зарур, деган фикрга учрашув қатнашчилари қўшилдилар.

Мукаммал бозор қонунлари йўқлиги яна бир муш-килотдир. Ўзаро қарзлар кўп миллиард сўмга етмоқда. Нефть, газ харид қилиш учун пулни қаердан олиш керак? Бунинг учун янги пул чиқариш керак, аммо бу кредитни чеклаш тўғрисидаги қарорга тўғри келмайди.

Белорусь ўзаро қарзларни давлатлар ўртасида ҳисоб-китоб қилиб чиқишни таклиф этди. Бу тадбир кўпларни абгор бўлишдан қутқариб қолади. Таклиф ҳақида банкирлар: ҳисоб-китоб керак, деган фикрни айтишди. Охири давлатлар ўртасидаги қарзларни икки томонлама ҳисоб-китоб қилиш ҳақида қарор қабул этилди. Давлатлараро, тармоқлараро ҳисоб-китоб тўғрисидаги масала эса тайёрланиб, июнь ойида Таллиннда бўладиган навбатдаги учрашувда муҳокама қилинадиган бўлди.

Эстония пойтахтида «сўм маконида пул сиёсати ўтказишнинг асосий йўналишлари» ҳам тасдиқланади, шу йўналишлар бўйича Тошкент учрашуви барча қатнашчилари яқдил бир фикрга келдилар. Масала миллий парламентларда келишиб олинганидан кейин шундай қилинади. Банкларраро мувофиқлаштириш кенгаши барча қатнашчиларининг фикри битта: Тошкентдаги учрашув самарали бўлди. Сўм маконини сақлаб қолиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Н. ШУЛЕПИНА,
ЎзА мухбири.

** Ўзбекистон ва жаҳон*

Бундай имкониятдан фойдаланиш керак

Юртимиз осмони узра мустақиллик шамоли эса бошлагач жумҳуриятимиздан кўплаб талаба ёшларнинг билим олиши учун чет мамлакатларга юборилаётгани кўпчиликни қувонтирмоқда. Хорижда мустаҳкам билимга эга бўлиб қайтган ёшларимиз келгусида албатта жумҳуриятимиз ҳаёт даражасини ҳар томонлама кўтаришда ўз ҳиссаларини қўшадилар. Бу борада ҳозирги кунда амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар хусусида жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Эргаш ФОЗИЛОВ билан мулоқотда бўлди.

— Эргаш Исмоилович, чет элга таълим олиш учун юборилаётган талабалар фақат пойтахтдан бўлиб қолмаяптими? Бизнингча жумҳуриятимиз вилоятларидаги иқтидорли ёшларни ҳам танлаб хорижга юборсак бу мутахассисларнинг бир текис тақсимланишида ҳам ижобий роль ўйнаган бўларди.

— Дарҳақиқат, чет мамлакатларга талабаларни юборишда жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида таълим олаётган ёшларни ҳисобга олишимиз керак. Чунки ўзбек халқининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилади. Бу йўлда ҳам маълум ишларни амалга оширяпмиз. Чунончи, вилоятларда ўтган йили очилган тил марказларида биз махсус синов (тест)ларни ўтказамиз. Синовларда аълочи талабаларнинг ҳаммаси иштирок этади. Мана шу ёшлардан энг зеҳнли, илмлиларни танлаб Туркияга юборамиз. Бу синовларда турли мутахассислар ҳам бевосита иштирок этишади. Албатта, фақатгина Тошкентдан талабаларни юборишни олдимизга мақсад қилиб қўйган эмасмиз. Лекин пойтахтда кўплаб илмий-тадқиқот илмгоҳлари, олий ўқув юртлари, дорилфунунлар жойлашганлиги учун табиийки бу ерга ҳамма вилоят вакиллари келиб ўқишади. Албатта мана шу ёшлар ҳам синовларимизда қатнашишади. Умуман Тошкентдан Туркияга шунча талаба ўқишга кетди, деган гап бу фақат тошкентликлар кетди, деган гап эмас. Таъкидлаганимиздек, бу ерда жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларидан келиб ўқиётган ёшлар ҳам бор.

— Чет элга борib ўқиш учун ҳар бир талаба ҳам ўз номзодини кўрсатиши мумкинми? Талабалар танланаётганда нималарга эътибор берилади?

— Туркияга, яна бир бор эслатиб ўтаман, аълочи, зукко, зеҳнли талабаларни юбориш мақсад қилиб қўйилган. Албатта, ҳар бир талабанинг ўқиши яхши бўлса, аълочи бўлса шубҳасиз синовларда қатнашиши мумкин. Бунинг учун улар олийгоҳ раҳбариятидан анкета олишлари ва ариза ёзишлари керак.

— Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади. Туркияга бориш учун кетадиган харажатларни ким ва қанча қисмини тўлайди?

— Туркияга боришдаги ҳамма харажатларни давлатимиз ўз зиммасига олган. Бу ҳақда Президентимизнинг махсус фармойиши ҳам бор. Шуни эслатиб ўтиш керакки, йўл ҳақлари ҳозир ниҳоятда ошган. Йил бошида чипта ўн минг бир юз сўм турган бўлса, ҳозирги кунга келиб 20 минг сўмдан ошди. Бу харажатларнинг ҳаммасини республикамиз ҳукумати ўз бўйнига олганлиги учун танланган 2 мингга яқин талабалар давлат ҳисобидан юборилади. Туркияда улар ётоқхона билан таъминланадилар. Қардош турк давлати берган стипендияга ўқишади ва ҳаёт кечиришади.

— Чет мамлакатларга бошланғич курс талабалари, шунингдек мактаб ўқувчиларини ҳам ўқишга юбориш кўзда тутилганми?

— Мактаб ўқувчиларини хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш бир қатор қийинчиликлар билан боғлиқ. У ерда бошқача шароит, ҳаёт тарзи ҳам ўзгача. Бунинг учун кўникмалар ҳосил қилиш керак. Шунинг учун ҳозирча ўқувчиларни юбориш ҳақида турлича фикрлар бўляпти. Ўйлайманки, туркиялик мутахассислар билан маслаҳатлашиб, ушбу масалани ҳам тез орада ҳал қиламиз.

— Эргаш Исмоилович, кўпчилик ўқувчиларимиз Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳи талабаси Гулчеҳра Каримованинг 1991 йилнинг апрель—май ойларида Америка Қўшма Штатларида бўлиб, у ерда ўтказилган синовларда қатнашиб, ғолиб чиққанлигини билишади. Вашингтон дорилфунунидан Гулчеҳрага чақирув қоғози, яъни виза келган экан. Бу каби энг қобилиятли талабаларимизнинг хорижга ўқишга боришлари учун қандай ҳужжатлар керак? Бу масалада ким ёрдам беради?

— Гулчеҳра Каримовани яхши биламан. Америка жамғармаси ҳисобидан фойдаланиб, 86 та талаба қаторида АҚШда бўлиб қайтган. Талабалар гуруҳига мен бошчилик қилган эдим. Шуни айтиб ўтиш жоизки, бу қизимиз ниҳоятда одобли, зеҳни ўткир, инглиз тилини яхши биладиган талабаларимиздан. Албатта бундай ёшларимиз Америкага бориб ўқисалар, келажакда жумҳуриятимизга катта фойда келтиришлари мумкин. Бунинг йўли ниҳоятда осон. Бунинг учун улар ўз олийгоҳларидан тавсия олиб, шу соҳадаги вазирликка борадилар. Вазирларнинг йўлланмаси билан ўқишга боришлари мумкин. Айниқса, ҳозирги кунда мана шундай таклифлар келса зудлик билан бу масалани ҳал қилиш керак. Таклифномани юборган давлат талабанинг ўқиши учун кетадиган харажатларнинг маълум қисмини ўз бўйнига олар экан, албатта бундай имкониятдан фойдаланиши керак.

— Хитой Халқ Республикасида ўқиш учун Шарқшунослик олийгоҳидан ҳар йили бир неча талабалар юборилар эди. Ҳар иккала давлат ўртасида имзоланган битим ва шартномаларда ҳам ўзаро талабалар алмашиш ҳақида бандлар бор. Шундай экан, бу йил Хитойда ўқиш учун қанча талаба юборилади?

— Шуни қайд қилиш керакки, Хитойга бундан икки йил аввал ҳаммаси бўлиб, 10—15 та талаба ўқишга юборилар эди. Ўтган йили эса 24 талабани жўнатишга муваффақ бўлдик. Яқинда жумҳуриятимизга Хитойдан иккита делегация келди. Бири Шинжон вилоятининг бошлиғи юборган махсус делегация. Шуни айтиш керакки, Шинжонда 36 та университет бор. 120 миллион аҳоли яшайди. Вилоят раҳбарлари талабалар айирбошлаш масаласида хат билан мурожаат қилишди. Биз бунга албатта ижобий жавоб бердик ва улар билан шартномалар туздик. Яқин орада ушбу шартномаларга Хитой раҳбарлари томонидан қўл қўйилади. Бундан ташқари ҳозирги кунларда икки давлат, икки олий таълим вазирлиги ўртасида битим тузилмоқда. Бу битим асосида келгусида ниҳоятда кўп талабалар Хитойда ўқишади ва у ерда стажёрлик, аспирантлик муддатларини ўташади. Бунинг учун вақт керак. Бу ҳужжатларни Хитойга олиб кетишган. Хитой давлати маъқуллагандан кейин бу ишларни ҳам амалга оширамиз.

— Яқинда Миср Араб Республикасининг маориф вазири Ҳусайн Камол Баҳовуддин бошчилигидаги делегация жумҳуриятимизда бўлди. Икки давлат ўртасида маориф ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун шартномалар имзоланди, музокаралар олиб борилди. Миср билан маориф соҳасидаги алоқаларимиз қандай бўлиши ҳақида айта оласизми?

— Агар биз тарихга назар солсак, шу кунгача бир йилда бир-иккита талабани Москва орқали Мисрга ўқишга юборар эдик. Уч-тўрт талаба эса ҳар йили Ал Азҳар университетига Ўрта Осиё диний назорати томонидан юборилар эди. Миср маориф вазири жумҳуриятимизга катта делегация билан ташриф буюриб, шароитларимиз билан яқиндан танишди. Бизнинг вазирлик билан улар ўртасида битим тузилди. Бу битим асосида шу йилнинг ўзида 60 талаба, аспирант ва стажёрлар Миср Араб Республикасига ўқишга юборилади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, талабаларнинг кўпгина қисми учун йўл харажатларини Миср томони ўз бўйнига олди.

Ал Азҳар дорилфунуни минг йиллик тарихга эга. Бу дорилфунун билан ҳам бевосита ҳужжат имзоланяпти. Тошкент Шарқшунослик олийгоҳидан 15 та талаба юборишни кўзда тутганмиз. Бу ердаги домлалар, олимлар жумҳуриятимиз олий ўқув юртларига келиб, биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришади, ҳамкорликда ишлашади.

Суҳбатдош Ғофур ЖАМОЛОВ.

** Шаҳар транспорти муаммолари*

ОБРЎНИНГ НАРХИ 40 ТИЙИНМИ?

ҒАЛАТИ тажрибанинг гувоҳи бўлдик. Дам олиш куни «Юнусобод — Чорсу» маҳмонхонаси йўналиши бўйлаб қатновчи 91-автобусда «Эски Жўва» бозори томон борардик. Чипта тарқатувчи аёлнинг «Ҳурматли йўловчилар, чипта олишни унутманглар». Еки «Қани яна ким йўл ҳақини тўлашга улгурмади», деган сўзларни ҳар қадамда тўтидек такрорлаши ғашимизга тегди. Уни бироз «тартибга» чақириб қўймоқчи бўлдик.

— Ўзимга ҳам эриш туюлади бу сўзлар. Лекин одамлар кўзингга қараб туриб чипта олишмаса нима қилай, — деди терлаб-пишиб у. — Ишонмасанглар биз билан охирги бекатгача боринглар. Текшириб кўрилса ҳаммаси маълум бўлади-қўяди.

Шунга келишдик. Ушбу баҳсда ғолиб чиқишимизга шубҳамиз ҳам йўқ эди. Лекин барибир чиптачи аёлнинг чақаги тинмади. Йўл-йўлакай юқоридаги сўзларни такрорлаб бораверди.

Машина охирги бекатга етганда аёл ҳайдовчининг ёнига бориб, унинг қулоғига нималарнидир шивирлади. Кейин бизни имлаб олдинга чақирди. Автобус тўхтагач ҳайдовчи фақат олдинги эшикни очди.

— Ҳурматли йўловчилар, фавқулодда текширув боряпти. Илтимос, олдинги эшикдан тушсангизлар!

Шу гапдан кейин беихтиёр орқа салонга қарасак машина ўтиргичларини тўлдириб ўтирган 50—60 чоғли одамларнинг кўпчилиги типирчилаб қолишибди. Наҳотки уларнинг ичида чиптасизлари бўлса, ўйлаймиз ўзимизча.

Эшикдан тушиб текширувни синчиклаб кузатиб турдик. Олдиндан тушганлар чиптага ёки ойлик йўл ҳақи тўланган қоғозларини кўрсатишди.

Ҳангоманинг зўри 20—25 киши тушгандан кейин бошланди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг 20 га яқин йўловчи чипта олмаган эди. Баҳоналари эса ҳархил.

— Хаёл билан унутибман.

— Енимда майдам йўқ эди.

— Чипта шеригимда эди. У нариги бекатда тушиб қолибди.

Булар ҳам ҳолва экан. Баъзилар эса қоидани буза туриб яна дўқ уришдан ҳам уялишмади.

— Бир гал олмасак нима, давлатники камайиб қолармиди?

— Сенларни ўзларингни текшириш керак. Пул олиб чипта бермайсанлар.

— Уят. 40 тийинга ғалва қилгани уялмайсизларми, кап-катта одамлар?

Сал «инсофлироқ» кўринган шу кишининг олдига келдик.

— Нега чипта олмадингиз?

— Хўп, мен олмаган бўлсам, сенлар арзимас танга учун одамни уялтирмасаларинг нима эди. Наҳот инсон обрўси 40 тийин билан ўлчанса?

Вой тавба, биз билан обрў талашиб ади-бадига борib ўтирган бу «маданиятли киши» наҳот қандайдир тийинлар учун обрўсини ўзи тўкаётганини фаҳмламаётган бўлса.

Хуллас, баҳсда биз ютқаздик. Яна қанақа денг, шармандаларча ютқаздик. Ахир автобусдаги ярим йўловчи кира ҳақи тўлашни «унутган» бўлса яна буни қандай деб аташ мумкин. Ана шунда баъзи ҳайдовчи ва назоратчиларнинг бежиз куйинмаётган эканликларига ишонч ҳосил қилдик.

Шаҳар йўловчилар транспорти иши барча турларини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармасидан хабар қилишларича, автобусда бир йўловчини ташиш таннархи 72 тийинга, электр транспортида эса 67 тийинга тушаётган экан. Демак, ҳар биримиз учун таннарх ва тариф ўртасидаги 30 ва 40 тийинлик ҳақни давлат ўз ҳисобидан тўлаб турибди. Юқоридаги чиптасизлар қилмиши эса бу иззатга тупуришнинг ўзи эмасми?

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасида аҳвол бундан ҳам беш баттар экан. Маълумотларга кўра бу ерда йилнинг биринчи чорагидаги сарф-харажатлар 56,1 миллион сўмни ташкил этади. Кўрилган даромад 12 миллион сўм, шу муддатдаги зарар эса 44,4 миллион сўм ҳисобида. Бунинг устига уларда чиптасиз юрувчилар сони тобора ортиб бораётганига нима дейсиз. Ахир чипта сотувчилари бор автобуслардаки, юқоридаги ҳол рўй бераётган бўлса, йўловчиларнинг ўз виждонига ҳавола этиб қўйилган трамвай-троллейбусларда-ги аҳвол бундан яхши бўлмаслиги аёнку. Шаҳар электр транспортида бир кунлик қилган сайримиз ҳам шуни исботлади.

Сафаримизни «Болалар дунёси» бекатидан бошладик. 4-йўналишда ҳаракатланувчи 3202 рақамли троллейбуснинг олдинги ва орқа эшиклари очилди. Назоратчилар тушаётган йўловчидан чипта талаб қилишди. Уларни бирма-бир санадик. Бекатда тушган 15 кишидан 6 таси йўл ҳақини тўламабди. Айниқса ўрта ёшлардаги аёлнинг қилиғи ошиб тушди.

— Нари тур, болам аскарликдан келганига икки кун бўлди, — дейди у назоратчини туртиб.

— Жуда яхши. Ушбу қувонч билан Сизни табриклаймиз. Лекин текин юришга аскарликдан бўшаган ўғлингизнинг нима дахли бор?

Жанжал бошланди. Орага ҳарбий кийимлари ўзига ярашиб турган йигит аралашди.

— Кечирасизлар, бу киши менинг онам бўладилар. Она-бола суҳбатлашиб чипта олиш хаёлимизга келмабди. Мана 3 сўмдан 6 сўм жарима — деди у кўпчилик олдида онасининг қилмишидан уялиб.

— Кечирасиз, 30 сўмдан 60 сўм тўлайсиз. Шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ транспортда бепул юрганлик учун жарима миқдори шу йилнинг 1 майидан бошлаб 30 сўм қилиб белгиланган.

Она-бола бир-бирларига ҳайрон тикилишди. Кейин аскар йигит илтимос қилди.

— Бир сафар кечиринглар. Иккаламизга шунча пул тўлаш оғирлик қилади...

Ёмғир шивалаб турган бўлса ҳам йўловчилар оқимининг кети кўринмасди. Бекатда назоратчилар турганини сезган 18-йўналишдаги 3197 рақамли троллейбус ҳайдовчиси уччала эшикни шарақлатиб очди.

— Чиптангиз?

— Вой тавба, бу қанақаси ўзи? Шу ёмғирдаям чипта сўрашади-я, — дейди таажжуб билан машинадан тушиб келган барваста киши. — Хўп олмадим, нима демоқчисанлар?

— Унда 30 сўм жарима тўланг.

— Тўламайман. Осмон қўлингда бўлса ташлаб юбор.

Кечирим ўрнига бундай қўполлик назоратчиларнинг ҳамиятига тегди шекилли шартта унинг йўлини тўсишди. Барваста киши қараса иш чатоқ. Охири тўнғиллай-тўнғиллай 30 сўм пулни қуртдай санаб берди.

Хўш энди, трамвай йўналишларида аҳвол қандай, деб сўрарсиз. Бундан ҳам ёмон. Бекатга кетма-кет келиб тўхтаган 27—28 йўналишлар бўйлаб ҳаракат қилувчи 1617, 3341 рақамли трамвайларни назоратдан ўтказдик. Ўзларини Тошкент тиббиёт олийгоҳининг талабалари деб таништирган З. Иноземцева, Д. Чернихлар Қорақамиш мавзесидан «Болалар дунёси» бекатигача келибдилару, лекин, чипта олишни унутибдилар. Баҳона ҳам эви билан-да.

— Биз талабалармиз. Маош олмаймиз. Текин юрсак юрибмизда.

— Талабаларнинг транспортдан фойдаланишлари учун қулай ва арзон имтиёзлар мавжуд. Кира ҳақини тўламаганингиз учун эса ҳар бирингиз 30 сўмдан жарима тўлайсизлар.

«Анҳор», «Ғанга» бекатларида 7,8-трамвайлар, 2, 7, 24-троллейбус йўналишларидан фойдаланган йўловчиларнинг чипталари текширилганда жаримага илинганлар кўп бўлди. Қарангки, ҳамшаҳарларимиздан З. Олимжонов, Н. Мансуров, В. Загурская, У. Раҳимов, Ж. Козимбеков, С. Набиевалар трамвай ва троллейбусда текин юришга одатланиб қолишган экан. Улар чакичланган патталарини йўқотиб қўйганликларини айтиб ўзларини соддаликка олишди. Бироқ, кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек назоратчилар бу сафар уларнинг ҳушларини жойига келтириб қўйишди.

Ушбу мақолани ёзишдан мақсад чиптасиз юрувчиларнинг асл қиёфасини ҳаммага кўз-кўз қилиш эмас, (шунинг учун уларнинг исмларини, ишлаш жойларини ҳам тўлиқ келтирмадик. 30 сўмлик жарима тўлашнинг ўзи бундай зиқналарга етарли жазо деб ўйлаймиз) балки уларни инсофга чақириш, қурум босган виждонларини бироз бўлса-да сергакликка ундаш, қолаверса, уларнинг қилмишларидан нафақат ўзлари, балки бошқалар ҳам ибрат олишса, деймиз. Зеро, автобус бўлсин, трамвай-троллейбус бўлсин, хуллас транспортнинг қайси туридан фойдаланмайлик, кира ҳақини тўлаш ҳаммамиз учун (имтиёзлилардан ташқари) мажбурий. Буни унутмаганимиз, 30-40 тийин учун кўпчилик олдида мисқоллаб тўплаган обрўмизни йўқотмаганимиз маъқул.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ,
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Шихмирза Алирзаев ҳамда Фарис Агамиров Ўзбекистон тўқимачилик машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлашади. Уларнинг иккаласи ҳам электр юк ташиш машинасида ҳайдовчилик касбини танлаган. Айни пайтда бу икки ишчи тайёр маҳсулотларни ўз вақтида манзилга етказишга ҳаракат қилмоқда.

Валерий Харитонов сурати.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Киночилар уйида Тошкент Давлат дорилфунуни талабаларининг таниқли кинооператор, режиссёр Малик Қаюмов билан учрашув кечаси бўлиб ўтди. Дорилфунун ректорининг ўринбосари Мирсаид Орипов кинотасвирчини таваллуд топганининг муборак 80 йиллиги билан қизғин табриклади, эсдалик совғаларини ҳадя қилди, халқимизнинг қадимий удумига кўра дўппи ва чопон кийдирди.

Учрашувга ташриф буюрган Туркия дорилфунунининг профессори Ражаб Ширин ҳам сўзга чиқиб, Малик Қаюмовнинг ижоди ҳақида сўзлади, унинг халқлар дўстлигини мустаҳкамлашдаги хизматлари беқиёслигини таъкидлаб ўтди. Йиғилганларга ўзининг Малик Қаюмовга бағишлаб ёзган шеърини ўқиб берди. Ўз навбатида киносанъатимизнинг отахони ҳам талабаларга миннатдорчилигини билдириб, ўзининг ижодий фаолияти ва режалари тўғрисида гапириб берди.

— 62 йиллик ижодим давомида 94 та ҳорижий мамлакатда бўлдим, икки марта Маккаи Мадинага ташриф буюриш бахтига муяссар бўлдим. Уруш қийинчиликларини бошдан кечирдим. Худо умр берса Шароф Рашидов ҳақида ва 1941 йилда Амир Темур қабрининг очилиши ҳақида картина қилиш ниятим бор.

Учрашув сўнгида Малик Қаюмовнинг ижодини акс эттирувчи кинофильмлардан парчалар ҳам намойиш қилинди.

Муҳиддин БОЗОРОВ.

** Нуқтаи назар*

АВЛОДЛАР ҚОМУСИЙ МАНБАСИ

БУТУН республикамиз узра мустақиллик шабадаси эсмоқда. Бу покланиш ва эзгулик шабадасидир.

Покланиш. Бу сўз замирида олам-олам маъно бор.

Дарҳақиқат, шарқ исломий мамлакатларидаги турмуш тарзи ўзига хос бўлиб, у ерда етим болалар бўлмаган, бева хотинлар бўлмаган. Зино қилувчилар учрамаган. Одамларнинг эшиклари кечаю кундуз очиқ турган. Чунки ўғрилар, зиночилар улус олдида қаттиқ жазоланган. Булар бошқаларга ибрат бўлган. Одамлар эса тўқ ва фаровон яшашган. Эли тўқ юртнинг давлати ҳам бой ва тинч бўлади. Шу боис Шарқда илму-фан гуркираб равнақ топди. Айни пайтда бу ердан буюк сиймолар етишиб чиқди. Уларнинг кашфиётлари ҳанузгача ўз қимматини сақлаб келмоқда.

Минг надоматлар бўлсинки, бизнинг авлод бундай аждодларимиз қадриятларидан бебаҳра қилинди. Чунки ўтмиш классик меросларимизнинг ўқ илдизлари қирқиб қўйилган эди. Илдизи қирқилган азим чинор эса аста-секин қурийди.

Лаҳатга кўмилган нодир китоблар... Дафн қилинган меросларнинг кўзини кўр қилиб қўйди.

Шукроналар бўлсинки мустамлакачилик сиёсати таназзулга учради. Элимиз маънавий ва моддий ҳурриятга, истиқлолга эришди. Ҳозирда мустақил Ўзбекистон давлатини жаҳоннинг 100 дан ортиқ ривожланган мамлакатлари тан олиб турибди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳур Ўзбекистоннинг покиза ой ила юлдузлар рамзи туширилган байроғи ҳилпирамоқда.

Эндиликда Ўрта Осиёдаги Туркистон халқлари образли қилиб айтганда иккинчи бор уйғониш даврини бошларидан кечирмоқдалар. Буюк истиқлол шарофати билан динга муносабат ўзгарди. Кўплаб масжидлар қурилди ёки қайта таъмирланди. Қуръонарлиси шундаки, «Қуръони Карим» ва бошқа диний муқаддас китоблар ўз эгаларига қайтариб берилди. Тўғрироғи, мусулмонларнинг қомусий китоби «Қуръон»нинг исломий олим Алавуддин Мансур томонидан ўзбек тилидаги таржимаси Ўзбекистон тарихида муҳим ҳодиса бўлди. Халқимиз Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Беруний, ибн Сино, Форобий, Баҳовуддин Нақшбандий, ал-Бухорий, ат-Термизий, Самарқандий асарларини ўқиш бахтига муяссар бўлди.

Айни пайтда жумҳуриятимизда миллий мактаб яратиш хусусидаги саъй-ҳаракатлар бошлангани ҳаммамизни қувонтиради. Бу эзгу ишда қатор иқтидорли мутахассислар ўзларининг қимматли таклифларини билдиришмоқда. Албатта, миллий характердан узоқдаги мажбурий таълим-тарбия усулларидан тўла воз кечиш пайти келди. Бинобарин, бу таълим-тарбия тизими ўзини оқламади.

Хўш, миллий мактабларнинг янги тизими қандай бўлади? Улар нималарга асосланиши керак? Менимча, бу борада дастлаб ривожланган шарқ мамлакатларининг маориф соҳасидаги қатор тажриба ва ютуқларини ўрганиб чиқиб, уларни халқимизнинг миллий келиб чиқишини ҳисобга олган ҳолда, яъни халқ педагогикаси билан ҳамоҳанг миллий маорифимизга тадбиқ қилиш лозим. Миллий мактаб негизини ташкил қилишда дарсликларни қайта ишлаб чиқиш даркор. Айниқса одобнома, дин тарихи, этика, эстетика, мантиқ, экология, давлатшунослик дарслари ўқув дастурининг биринчи режасига чиқиши зарур. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, одобнома ва этикага доир дарсларни энг тажрибали мактаб директорлари олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу дарсларни бошланғич синфдан бошлаб энг юқори синфларгача махсус дастур асосида олиб бориш давр тақозосидир.

Миллий мактаблар ҳақида гап борганда мактаб биноларининг ташқи кўринишига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Уни қайта қуриш ёки таъмирлашда шарқ меъморчилигидан унумли фойдаланиш керак. Ўқувчилар дам оладиган миллий боғлар яратиш, мевали дарахтларни кўпайтириш ҳар бир зиёлининг ва ота-оналарнинг бурчидир.

Ўтмишдаги «эски мактаб» дея камситилиб келинган мактабларимизнинг ва мадрасаларимизнинг ҳам жаҳоншумул ютуқлари бор. Бу ютуқларни илмий равишда ўрганиб, миллий мактаблар жабҳаларига жорий қилиниши халқ маорифимизга янгича қадриятларни олиб киради.

Бинобарин умумбашарий қадриятларимиз мазмунан эскирмай келгуси авлодлар учун қомусий манба бўлиб қолаверади.

Ёш авлод ҳар қандай ривожланган мамлакатнинг ғоявий замини ҳамдир. Ёшлар қанчалик одобли, ахлоқли, билимли ва маданиятли бўлсалар, ўша ерда маърифат ривожланиб, демократия қарор топади.

Мустақиллик мактаб партасидан бошланади. Шундай экан, 1-синфдан бошлаб шарқона услубда тарбия ва таълим беришга киришиш вақти етди.

Дарҳақиқат, тарбияли ўқувчи доимо аъло ўқийди. Тарбияли талаба келажакда яхши мутахассис бўлиб етишади. Биз тарбияга алоҳида эътибор бермас эканмиз, фаннинг юқори поғоналарига кўтарилишимиз ғоят мушкул.

Ота-боболаримиз болалар тарбиясига алоҳида масъул бўлганлар. Ҳаттоки, улар ўз фарзандларига «сиз»лаб муомала қилишган. Бу тарбияда шарқона юксак фалсафий-ахлоқий маъно бўлиб, ўзига хос «муроса этика»сини ўзида мужассамлаштирган.

Анвар ХИДИРОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи муаллими.

Машҳура Иброҳимова мана 15 йилдирки, Тошкент чинни заводида масъулиятли касбни эгаллаб келади. Бу мусаввир аёл ҳозир вазалардаги расмларнинг чиройли ва сифатли бўлишига эришмоқда.

СУРАТЛАРДА: рассом Машҳура Иброҳимова иш устида; чинни буюмларига гул солинмоқда.

Андрей Пишненко суратлари.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» РУЗНОМАСИНИНГ ИЛОВАСИ № 15

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг саҳифаси



СОҒЛИҒИМИЗ УЧУН ЗАРУР

ЙИРИК саноат шаҳарларида тоза ҳаво доим муаммо бўлиб келган. Тошкенти азим ҳам шундай шаҳарлар жумласига киради. Бу ҳолни пойтахтимизнинг Юнусобод ва Мирзо Улуғбек районларида ҳам учратиш мумкин.

Юнусобод районида ўтган 1991 йилда фақат доимий манбаларнинг ўзидан 3504 тонна, шу жумладан «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасидан 3315 тонна, абразив заводидан 65, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасидан 41, асбобсозлик заводидан 30, 76, «Зенит» заводидан эса 13 тонна зарарли чиқинди чиққан.

Мирзо Улуғбек райони бўйича ўтган йили соф ҳавони заҳарлаган чиқиндилар миқдори 4841 тоннани ташкил қилса, шу жумладан трактор заводидан 1188, лак-бўёқ заводидан 375, ТошЭКС ишлаб чиқариш бирлашмасидан 339, тажриба-механика заводи 120, грампластинка заводидан 27 тоннагача чиқинди табиатни заҳарламоқда. Ҳавони заҳарлаётган неорганик чангларнинг мумкин қадар чекланган меъёри 5,5, азот окиси 1,4, аммиак 1,4, пайвандлаш аэрозоли 1,1 баробар миқдорда ортиқдир.

Районда автотранспорт корхоналарининг зичлиги ва ҳаракатдаги манбаларнинг кўплиги ҳам табиий мувозанатга путур етказмоқда. Табиати бузилаётган шундай районда биофильтр вазифасини ўтовчи ўсимликлар дунёси — ўтқазиладиган дарахтлар муҳим аҳамиятга эга. Юнусобод районининг аҳолиси шу йил 25 мартгача олинган маълумотга кўра 298 минг кишини ташкил этади, умумий майдони эса 4236 гектар, шу жумладан 1003 гектар майдон ўсимликлар билан қопланган: 847 гектар дарахтлар, 21 гектар бутазорлар, 49 гектар чим, 7 гектар ер яшил тўсиқ билан қопланган.

1991 йилнинг куз ва баҳорида манзарали дарахтдан 420, мевали дарахтдан 300, пастак буталардан 10000 дона ўтқазилиб, кўзланган дастуриламал юз фоиз қилиб бажарилган. Экилган ўсимликларнинг 80 фоизи ўзини ўнглаб олди. Районда киши бошига кўкаламзорлаштирилган майдон 7 метр квадратни ташкил этади, бу белгиланган меъёрдан 2,5—3 баробар камдир.

Районда дам олиш боғи мавжуд: «Ботаника» боғи — 74 гектар, «Ғалаба» боғи — 10 гектар, Гагарин номи берилган боғ — 6 гектар майдонни эгаллайди.

Кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва суғориш ишлари билан район ободонлаштириш бошқармаси (бошлиғи Б. Ортиқхўжаев) шуғулланади. Ўтган йилда Юнусобод районини кўкаламзорлаштириш учун 250 минг сўм маблағ ажратилганди, шундан 95 фоизи ўзлаштирилди.

Дарахтларни бесабаб кесиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда. 1991 йили София кўчасидаги 300—350 та дарахт кесиб ташланган, шулардан 36 тасининг диаметри 1 метрдан (!) ортиқдир.

«Главташкентстрой»га қарашли 159-трест қурувчилари томонидан 17-мактаб ҳудудидаги қарағай, чинор, шумтол каби 47 манзарали дарахтлар кесилган. Оқибатда қурилиш бошқармаси 47 минг сўм миқдорида жарима тўлади. Бундай ҳол бир неча бор такрорланган. Район ободонлаштириш бошқармаси дарахт кесишда ҳар доим ҳам табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишмайди.

Район ободонлаштириш бошқармаси ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар диққатига шаҳар ижроия қўмитаси илмий маслаҳат кенгашининг экиладиган ўсимликларнинг тури бўйича 6 ноябрда қабул қилган қўлланмасини етказмаган.

Суғориш тармоқларининг ҳам аҳволи дуруст эмас. Районда суғориш тармоғининг умумий узунлиги 487,3 километрни, қувурли иншоотлар узунлиги 33,5 километрни, кўча суғориш тармоғи 377 километрни, маҳаллалардаги суғориш тармоқлари 149,9 километрни ташкил этади. Жойларда ариқлар тозаланмаган, ҳар хил чиқиндиларга кўмилиб ётибди. Обидова, Мирзааҳмедов кўчаларида, 9, 10, 17-мавзеларда бу ҳолни кузатиш мумкин. Суғориш тармоқларининг ишга туширилмаганлиги сабабли «Гидростанция» маҳалласи тенг ярмига, «Ўзбекистон», «Оқтепа», «Бодомзор», «Юнусобод» ва «Боксер» маҳаллалари бутунлай ариқ суви билан таъминланмаган. Район ҳудудидан «Дарбозакент», «Кенгариқ», «Оқ қўрғон», «Кўр хўжа ота», «Ҳасан», «Қирғизқулоқ» ва «Гидроген» анҳорлари оқиб ўтади, аммо еттовидан фақат «Дарбозакент» тозаланган. Район ободонлаштириш бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган инспекцион текширув шуни кўрсатадики, 1992 йилдаги суғориш ва оқава сувларни қайтаришга «Дарбозакент» анҳоридан бошқалари тайёр эмас.

Саноат ва транспорт корхоналари ҳудудида кўкаламзорлаштириш ва яшил майдонларни кенгайтириш талаб даражасида эмас. Жуда кўп ташкилотлардаги манзарали дарахтларнинг аҳволи ёмон, парваришлаш тадбирлари кўрилмаётир. Масалан, абразив заводи йиғиш цехи атрофидаги ер нефть қолдиғи билан булғанган, оқибатда жуда кўп ўсимликлар табиий қадрини йўқотган. Иҳота ўсимликларининг ўтган ва бу йилги ҳисобкитоби қилинмаган. «Узбексельмаш» бирлашмаси ҳудудидаги 70 фоиз ўсимликлар умуман парваришланмаган. Асбобсозлик заводи суғориш тармоқларига бўёқ мойи ва нефть маҳсулотлари оқизилган. «Лаззат» ичимликлар заводи (директори Х. Ҳасанов). «Ўртоқ» қандолат фабрикасида (директори М. Икромов), «Юлдуз» тикувчилик бирлашмасида (директори А. Тошпўлатов) яшил ўсимликлар майдонининг киши бошига ўртача миқдори қабул қилинган меъёрдан 14 марта (!) кам. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, кўп ташкилотларда санитар ҳимоялаш майдонлари, яшил минтақалар ташкил этилмаган.

Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришда Мирзо Улуғбек районидаги аҳволни ҳам қониқарли деб бўлмайди. Бу иш билан район ободонлаштириш бошқармаси (бошлиғи Р. Мусабоев) шуғулланади. Шу йилнинг 25 мартигача бўлган маълумотга кўра 271 минг аҳоли истиқомат қилади. Яшил ўсимликлар майдони киши бошига ўртача миқдори 6 ярим метр квадратни ташкил қилади. Меъёр эса 16 метр квадратдир.

Дарахтларнинг умумий сони 954 минг дона. Ўтган йили кузда 400 дона манзарали, 400 та мевали, 10.500 та бута ўсимликлар экилганди. Кўкаламзорлаштиришни йўлга қўйиш учун бу йил 2 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди, амалда эса буни 40 фоизи берилаяпти. Экилган ўсимликларнинг 86 фоизи унум оляпти. Суғориш тармоқларининг умумий узунлиги 450 километрни ташкил этади. Шу жумладан дарё ва анҳорлар салкам 41 километрдир (Салор 23,5 километр, Қорасув — 17 километр).

Бу районда ҳар хил заҳарли чиқиндиларни чиқарадиган корхоналар кўплиги туфайли — биологик манбаларни кўпайтириш эҳтиёжи юқори бўлса ҳам аксига олиб, уларни йўқ қилиш одати мавжуд экан. Биологик қадри юқори яшил дарахтларни ноқонуний йўл билан кесиш ҳоллари кўп юз бермоқда. Масалан, ўтган ва бу йилларда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг розилигисиз Горький кўчасидаги дарахтларнинг Тошкент электр тармоқлари ташкилоти томонидан кесиб ташланиши ўсимликлар дунёсига жиддий талафот етказди.

«Средазкабель» ишлаб-чиқариш бирлашмаси ҳудудидаги 80 фоиз ўсимликлар парваришланмайди, бир неча йиллар давомида на буталади, на ҳар хил зараркунандаларга қарши кимёвий ҳимоя чоралари қўлланилади. Бошқарма ҳудудидан Салор анҳори оқиб ўтади. Анҳорнинг аҳволи талаб даражасида эмас, ахлатларга кўмилган, тозаланмайди.

Хуллас, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети ходимлари ўсимликлар дунёсини ҳимоялаш фаолиятини текшириш чоғида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари бўйича катта камчиликларни аниқладилар. Шу асосда иккала ноҳиядаги бир неча ташкилотлар, улардаги цехлар раҳбарлари моддий жарималар тўладилар, ташкилотларнинг гарданига неча ўнлаб минг сўм жарималар тушди, мутасадди раҳбарларнинг йўл қўйган жиддий хатолари кўрсатилди, амалга оширилиши керак бўлган чора ва тадбирлар белгилаб берилди. Лекин, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришдек хайрли ва инсон соғлиғи учун жуда зарур ишларни жазосиз, кўрсатиб бериладиган чора ва тадбирларсиз амалга ошириш керак. Бинобарин, пойтахтимиз ҳавосидан халқимиз, фарзандларимиз, қолаверса ўзимиз ҳам нафас оламиз. Умид қиламизки, иккала район мутасаддилари бу савобли ва долзарб масалада зарур тадбирларни ўз вақтида кўриб борадилар.

Муборак ХОНХУЖАЕВА,
Суннат АЗЛАРОВ.

СУҲБАТ

Ўғлим саволидан қийналаман гоҳ,
Ҳамма ростликни ҳам ҳаёт кўтармас.
Бўлмай қолсам агар бир дамга огоҳ
Жавобим сабрсиз интиқ кутар, бас!
— Не учун ҳосилдан бошини эгган,
Ниҳол бўла туриб олма ё ўрик?
— Кам бўлмас, дейдилар, ким дарахт эккан
Шиға-шиға мева шоҳига кўрик!
— Мен учун шунчалар тўкармй ҳосил,
Шунчани еб ахир ким қилар адо?
— Ўғлим, олма-ўрик шохи сари кел,
Сўнг эшит, келади қулоққа нидо!
Шохга осилади, пишган меваси
Чуғурчуқдай тинмай бола меваси,
Мевани термоққа тез эгилади.
— Сен, деб мева қилар, шу гапнинг рости,
Сен, деб гуллаганди у айни баҳор.
...Ерда битта данак қолса ҳам рози,
Зурёд қолдирмоқчи ҳаётда зинҳор!

САЙЕР.



Тошдан-тошга бош уриб ўйнаб оқар шалола,
Шўхлигин кўриб, дейсиз мисоли бир той бола.
Кўриб кўзлар қувнайди, юрак эса ўйнайди.
Шалоланн кутади, соҳилда гулу-лола.

ДУНЁДА ҲАР БИР НАРСАНИНГ ЖАВОБИ БОР

ДУНЁДА ҳар бир нарсанинг жавоби бор. Бировга ёмонлик, зулм қилган кимса охир оқибатда хўрлик кўради. Хоин, хиёнаткорларнинг қисмати шарпадек яшаш, бу ёруғ дунёда вафо кўрмайди. Аммо бир нарса борки унинг касри барчага баробар уришига шубҳам йўқ. Бу лоқайдлик, эътиборсизлик!

Ҳар ойда шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети районларнинг сув, ҳаво, ер шароитини жиддий текширувдан ўтказади. Ҳар сафар эса минг-минглаб сўмлар жарима сифатида тўланади. Мана бу сафар ҳам экологик кундаликни ўқийман: «Шаҳардаги 28 саноат ва 17 автохўжалик корхонаси ҳудудидаги табиатни муҳофаза қилиш ишлари кўздан кечирилди. 56 мансабдор шахсга жъми 16050 сўм миқдорида жарима солинди, 6 та цех, участка, техник жиҳозлар ишга яроқсиз деб топилди».

56 мансабдор шахс ва 16050 сўм пул. Бу рақам ҳар ойда у ёки бу миқдорда такрорланади. Нега шундай бўлди? Барчасига сабаб, табиатни муҳофаза қилиш ишига панжа орасидан қарашлик! Ҳаммасига сабаб раҳбарларнинг корхона «хўжалик аравасидаги отларнинг, яъни иш юритишнинг эски услубда эканлиги! Яна ҳам очиқ, дангал қилиб айтсак, ҳамма иллат этимизу бетимиз қотиб кетганлигида! Ҳатто табиатни муҳофаза қилиш шаҳар комитети назорат гуруҳи кетаётганини эшитган корхона раҳбарлари жарима пулини дарров тайёрлаб қўйса ҳам, ажаб эмас!

Яна кундаликка қайтамиз. Унда рақам этилишича Тошкент иссиқлик энергияси маркази (бошлиқ И. Сипачев) Салор каналига ифлосланган сувларни ташлашни давом эттираётган экан. Бунинг устига сув тозалаш иншоотининг қуриб, ишга тушириш муддатлари йилдан-йилга сурилиб, асабга тегмоқда. Тошкент тажриба механика экскаватор заводида (бошлиқ Ж. Алдамжаров) аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Ҳавони тозаловчи ускуналарнинг ишлаш даражаси 58 ярим фоиз, самарадорлик эса 65 фоиздан ҳали нари ўтганича йўқ. Корхона раҳбарларининг эса парвойи палак: бу ишларни шунчалик паст даражадаги юмушлар деб ўйлашса керак, етарли эътибор ҳам беришмайди. Ҳатто цех бошлиқлари В. Желтков, А. Колёжний, бош нурчи Б. Веткутов, бош муҳандис Г. Петуховлардан ҳаммаси бўлиб 1100 сўм жарима ундириб олинганн, ёғочни қайта ишлаш цехини ёпишга қарор этилгани ҳам зарра таъсир қилмаган кўринади.

«Компрессор» заводида (директори В. Фрошгейзер) давлат назорати гуруҳининг кўрсатмаларини бажариш, қайта қуриш муддатининг ўтиб кетаётганлиги ҳақида жон куйдирадиган одам бўлмаса керак! Бўлмаса завод шаҳар об-ҳавосини ўз «чанги билан токайгача обод» қилиб турадн! Бу заводдаги мансабдор шахслар ҳам 1600 сўмни тўлаб қўяқолишди. Тўғрида, бош қотириб, ортиқча ташвиш қилишдан кўра жарима тўлаш осонроқ ахир!

Тошкент тепловоз ремонти заводидаги аҳвол бундан ҳам бешбаттар. Бу ерда гальваник барабаннинг чанг тозалаш қурилмаси ишламаган. Қолиплаш участкаси эса мутлақо нотўғри шароитда эди. Чўян қуйиш цехидаги ҳаво тозалаш ва чиқариш қувурлари таъмир этилмаган. Заҳарли моддаларнинг чиқаришида йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёр (ПДО)ни умуман назорат қилинмаса ҳам керак. Охир оқибатда завод директори М. Мартьянов 500, гальваник цех бошлиғи В. Трубинков 300, тепловоз цехи бошлиғи Чичин 300, дизель ва таъмирлаш-жамлаш цехи бошлиқлари 200 сўмдан жарима тўлашди...

Рўйхат давом этаверади: Тошкент ёғочни қайта ишлаш комбинати, Тошкент трактор ремонти заводи автохўжалиги, «Тошвилояткоптранс» корхонасининг 1-автоколоннаси, Ўрта Осиё қурилиш транспорти трестининг автобус парки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, «Сигнал» ишлаб чиқариш бирлашмаси, мотор заводи, Агрегат заводи... Яна уларнинг директори, бош муҳандиси, цех бошлиқларидан 500, 300, 200 лаб жарима олишлар... Энг алам қиладиган жойи шундаки, юқорида номлари тилга олинган (олинмаганлари ҳам) корхона раҳбарлари жарима тўлашда табиатни муҳофаза қилиш комитетининг «доимий мижозлари» бўлиб қолишяпти. Беихтиёр юрагинг ғашланади: қачонгача давом этаркин бу аҳвол! Қачон жарима тўлашдан қутулиб, амалий ишга ўтамиз? Чамаси шаҳримиздаги корхоналарга табиат керак эмас экан шекилли. Тўғрида у ердаги одамлар узоқ ерлардаги оромгоҳларда соғлиқни тиклаб, яна жарима тўлашга куч-қувват йиғиб қайтишади, вассалом!

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети ҳам иш услубини ўзгартирмаса бўлмайдиганга ўхшайди. Менимча комитет қошида муҳандислар, техник ходимлар, слесарь, токарь, пайвандловчи ва ҳоказо ҳунармандлардан иборат экологик ишлаб чиқариш фирмаси очиш ниҳоятда зарурга ўхшайди. Марҳамат, корхона жаримани «қойил қилиб» тўласин. Фирма ишчилари эса корхонадаги носоз ерларни дарҳол созлаб, кўнгилдагидек қилиб қўйсин, токи асаббузарлик, қонунбузарлик рўй бермасин. Экологик фирма хўжалик ҳисобида бемалол иш юрита олади. Ундан ҳам муҳими йиллаб битмайдиган ишлар, ниҳоят, тузалади. Бу бир таклиф, албатта. Лекин фирмани ҳам «ишбилармонлар» эгаллаб олсаю, ҳатто ҳавони ҳам пуллаш пайида бўлса жарима тўловчиларни ҳам, табиат муҳофазачиларининг ҳам ҳолига вой! Ҳар ҳолда жуда бунчаликка бормас.

Экология масаласи ҳозир ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб турибди. Бу масалада «Менинг корхонам яхши» ёки «Менинг районим табиати яхши қўриқланади» деган тасаллилар ўтмайди. «Бирники мингга, мингники туманга» деган гап бор. Шу гапни мутлақо ёдимиздан чиқармайлик!

Толиб САЪДУЛЛАЕВ.

* *Куюнчаклик билан ёзилган*

ХОТИРЖАМЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

ТЕЗРОҚ ҚУРИЛСАЙДИ

НИҲОЯТ Тошкентда ҳам чиқиндиларни қайта ишлайдиган завод қурилиши ўрнидан силжийдиган бўлди! Ҳамиша долзарблиги қайд этиб келинган бу қурилиш масаласи Тошкент шаҳар Кенгашининг экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш доимий комиссиясида қайта кўрилди. Йиғилишда шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети, капитал қурилиш бош бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги, ободонлаштириш бош бошқармаси, меъморчилик бош бошқармаси раҳбарлари, лойиҳалаш илмгоҳлари мутахассислари иштирок этдилар. Чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиб ўрганилгандан кейин «Атмосфера» илмий ишлаб чиқариш маркази лойиҳаси қабул этилди.

Доимий депутатлар комиссияси эса шаҳар Кенгаши раёсатига ушбу масалани навбатдаги сессия кун тартибига киритиш ҳақида қарор қилди.

Ушбу муаммонинг ҳал этилиши қанчалар муҳим эканлигини таъкидлашнинг ҳожати йўқ. Тошкент кундан-кунга ўсиб бораётган шаҳарлар тоифасига киради. Аҳолиси икки миллиондан ошган шаҳримиздаги маиший ва саноат чиқиндиларини бир ёқлик қилиш кечиктириб бўлмайдиган масаладир. Камқувватли, эски жиҳозли яккаю ягона завод — ТЭЗБО бунчалар катта ҳажмдаги чиқиндиларни қайта ишлаб улгуролмаслиги ойнадек равшан.

Ох, бу чиқиндилар! Кунига йўл четларига уйиб қўйилган, умумий ҳисобда 1 миллион тоннани ташкил этадиган чиқиндиларни ташиб кетиш учун транспорт, умуман, етишмаяпти. Турли-туман нормалардан

иборат бу нохуш манзарани кўриб кўзимиз ўрганиб кетди. Лекин Ўзбекистоннинг иссиқ шароитини тасаввур қилинг: чиқиндилар бориб турган заҳарнинг ўзига айланадику!

Айнан шунинг учун ҳам тезроқ, қатъият билан, ҳозирги замон техник жиҳозлари билан таъминланган қудратли заводни кўришимиз керак. Жаҳон тажрибаси бизнинг шароитда юқори ҳароратли технологияни қўллашни тақозо қилиши табиий. Бунда бир неча кундуз давомида кўп миқдордаги чиқиндиларни зарарсизлантириб, қайта ишлаш имкони туғилади. Ҳозирги кунда барча етакчи фирмалар худди шу технология асосида ишламоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси иқтисодий комитети шаҳар табиатни муҳофаза қилиш ҳамда республика табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитетларининг юқори ҳароратли, кам чиқинди чиқарадиган завод қуриш хусусидаги қўшма таклифини қўллаб-қувватлади.

Ҳамдўстлик минтақалари учун заводлар лойиҳасини АҚШ, Германия, Франция, синғари тараққий этган давлатларнинг етакчи мутахассислари тавсия қилишмоқда. Лекин лойиҳанинг қиммат-лиги, ҳақни валюта билан тўлаш бу таклифларни амалда қўллаш учун монелик қиляпти. Москвадаги шу йўл билан қурилган заводлар чет эл техникаси билан жиҳозланган. Корхонанинг ишлаб чиқариш суръатини бир маромда ушлаб туриш учун қанча кўп маблағ — валюта кераклигини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Бизнинг ҳозирги замон экологик талабларга жавоб берадиган ўз ишлаб чиқариш усулимиз бор. «Атмосфера» илмий-ишлаб чиқариш маркази таклиф этган лойиҳада мутлақо янги технологик линия ишлаб чиқилган. Улар ҳозирги замонавий техника жиҳозлари ёрдамида тўла қувват билан ишлайди. Жиҳозлар, ускуналар эса Ҳамдўстликдаги республикаларда ишлаб чиқилгани, улар билан тўғридан-тўғри алоқанинг борлиги вазифамиз ечимини бир йўла осонлаштиради. Ушбу технология тез кунда ишга тушиб бизни чиқинди ҳужумидан (улар орасида санитария, озиқ-овқат, қаттиқ, саноат, маиший чиқиндилар мавжуд) халос этади. Келажакда эса шу асосда иш юритса к йилига 400 минг тонна чиқиндини қайта ишлайдиган заводларни қуриш имкониятига эга бўламиз, албатта!

Борий АЛИХОНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети раисининг биринчи ўринбосари.

Баҳром Тожиев чизган сурат.

Юқоридаги икки суратни кўриб ажабланманг. Бу манзаралар шаҳримизнинг ҳар бир қадамида учраб турибди. Уни бартараф этишгина номаълум: бу манзарани кашф этган ташкилотларми ёки ободонлаштириш бош бошқармасими?

Андрей Пишненко суратлари.

ЙЎЛИНГ ОҚ БЎЛСИН, «САФО»!

ШАҲАР табиатни муҳофаза қилиш комитети ташаббуси билан янги ташкилот — экологик ҳамкорлик ассоциациясининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда шаҳардаги 24 энг йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари иштирок этишди. Улар орасида Чкалов номли авиация, Ўрта Осиё электр анжомлари, Ўрта Осиё кабелсозлик ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Компрессор», «Мотор», Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари бор. Барча қатнашчилар ассоциациянинг тузилишини бир овоздан маъқулладилар.

Янги ассоциацияни тузиш ниҳоятда зарурлигини ҳатто иқтисодий, ижтимоий кучларнинг етарли эмаслигига қарамасдан ҳаётнинг ўзи айтиб турибди. Чунки шаҳарда 4000 дан зиёд корхоналар мавжуд. Уларнинг 1700 таси эса шаҳарни экологик томондан жиддий таҳликага солиб турибди.

Айни пайтда шаҳарда кўплаб экологик муаммолар пишиб етилди. Бу муаммонинг биринчиси саноат ва маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, автомобиль ва тайёралар ғилдиракларини қайта созлаш тутун таркибини аниқлаш учун оддий анжомларни яратиш ва ҳоказолардир. Атроф-муҳитнинг мусаффолиги учун шундай экологик муаммоларнинг ечилиши ниҳоятда зарурдир. Таъсис этувчиларнинг фикрича тузилажак Ассоциация ана шундай ечимни кутаётган масалаларнинг ижроси билан шуғулланади. Чунончи, энг янги технологияни лойиҳадан амалга жорий қилиш, ҳисоблаш техникаси ёрдамида бошқариладиган ягона мониторнинг силсиласини яратиш, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва «дафн қилиш» учун марказлашган полигон тайёрлаш каби юмушлар билан банд бўлади.

Мажлисда бир овоздан бошқарувнинг 13 аъзоси сайланди.

«САФО» деб номланган экологик ҳамкорлик Ассоциацияси бошқаруви раиси қилиб Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси Ш. Р. Иброҳимова сайланди. Ўйлаймизки, янги ташкил топган ташкилот келгусида шаҳримиз атроф-муҳитини яхшилашда энг ишончли ёрдамчи бўлиб қолади.

⊙ Саҳифани тайёрлаганлар: Умида КАРИМОВА, Нодежда ПАНЯКИНА, Темур УВАЙДУЛЛАЕВ, Муборак ХОНХУЖАЕВА.

⊙ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОМИТЕТИНИНГ МАНЗИЛГОҲИ: 700078, Навоийлилар хиёбони, 5-уй. Телефон: 44-54-96.

* Кўза кунида синади

БИР КОРХОНА ТАШМАЧИЛАРИ

Инсоф бермаса қийин экан. Бўлмаса Д. С. исмли киши ўзи Ж. Обидова номидаги тамаки фабрикасида ишлаб туриб 50 қути «Астра» папиросини бозорда сотишни мўлжаллаб ўғирлаб чиқармиди? Лекин унинг режаси амалга ошмади. Милиция ходимлари томонидан қўлга олиниб, ўғирланган папиросларни фабрикага қайтарилди.

Худди шу куни текин бойлик тўплаш илинжида 1000 пачка «Астра» папиросини олиб чиқиб кетаётган А. исмли киши ҳам ушланди. Сигарет цехининг оператори И. эса бор-йўғи 30 қути «Астра» билан қўлга тушди. Бир кунда жами 3240 сўмлик «Астра» фабрикага қайтарилди.

Шовқиддин САМИЕВ.

* Ички бозор посбонлигида

АКА-СИНГИЛ МОЛФУРУШ

Жумҳуриятимизга меҳмон бўлиб келган чечен йигит Руслан Жабраилов 25 ёшда, синглиси эса эндигина 19 баҳорни кўрган. Қарангки, улар шаҳримизга саёҳатга эмас, кундузи ҳам чироқ ёқиб топиш мушкул бўлган камёб моллар билан жомадонларини тўлдиришга келган эканлар.

Ниҳоят, ака-сингил инқиллаб-синқиллаб улкан жомадонларини кўтарганларича тайёрагоҳ зинасидан кўтарила бошлашди. Давлат назорати ходимлари шубҳа билан Русланнинг юк халталаринии очиб кўришдию, донг қотиб қолишди. Тўртта эркаклар шими, аёллар курткаси, тўққиз жуфт пайпоқ, тўрт жуфт эркаклар туфлиси, икки жуфт қалиш, иккита эркаклар курткаси, учта болалар шими, иккита варёнка курткаси, саккизта аёллар юбкаси... Жами 20 минг 990 сўмлик молларни жомадонга жойлабди азамат. Синглиси ҳам ишбилармонликда акасидан қолишмас экан. У ҳам 20 минг сўмлик кийим-кечакларни жойлаб, бамайлихотир Тошкентдан жўнаб кетмоқни кўзлаган экан. Бироқ чучварани ҳом санаган ака-сингиллардан олинган қирқ минг сўмликдан ортиқ кийим кечаклар давлат фойдасига мусодара қилинди. Устига устак уларга 600 сўм жарима тўлашга ҳам тўғри келди...

Тайёрагоҳ давлат назорати ходимлари Минерал Сувлар томон учадиган йўловчиларнинг юкларини текширувдан ўтказишаётганда яна шундай ҳолга дуч келишди. Пермь вилоятидаги шаҳарлардан бирида истиқомат қиладиган Н. Бередников умумий баҳоси 10 минг 624 сўмлик 21 дона турли хил аёлларнинг камёб кийим-кечакларини қонунга зид олиб кетмоқчи бўлганида назоратчилар томонидан ушланди. Ушбу молларни давлат фойдасига топширишдан ташқари яна 400 сўм миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

ЎЗ МУЛКЛАРИДЕК ҚЎРИҚЛАШАДИ

Шайҳонтоҳур райони ички ишлар бўлимига қарашли муассасадан ташқари соқчилик хизмати бўлими ходимлари «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Малика» трикотаж, «Орзу» чарм-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмалари, тажриба техника заводи ва бошқа кўпгина корхона ва ташкилотлар бойликларини ўз мулкларидек ҳушёрлик билан қўриқламоқдалар. Кейинги кунларнинг ўзида ушбу соқчилик хизмати бўлими ходимлари томонидан анчагина ташмачилар ушланиб, улар олиб чиқиб кетаётган моллар орхоналарга қайтарилди. Жумладан, «Орзу» бирлашмаси ишчиси М. Саидов давлат баҳоси 42 сўм бўлган тўпни олиб чиқиб кетаётганида ушланди, унга 20 сўм миқдорида жарима солиниб буюм ўз жойига қайтарилди. М. Одилова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасидан катта ғалтакдаги ипни, тажриба-техника заводи ишчиси И. Ғиёсов уч дона қўлқопни, шу корхона хизматчиси Х. Ғаантмахер темир сим ўрамини қўтариб чиқиб кетаётганларида ҳам ушланиб тегишли миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлдилар. Бу район муассасадан ташқари соқчилик хизмати ходимлари фаолиятидан бир шингили, холос. Улар ҳушёр эканлар, ўғирликлар, ташмачиликларнинг пайи қирқилаверади.

Даврон НУРМАТОВ.

СУРАТДА: пойтахтнинг Шайҳонтоҳур райони ички ишлар бўлими муассасадан ташқари соқчилик хизмати ходимлари (чапдан ўнгга) Х. Баратов, В. Чесноков, А. Толипов, А. Каримов ҳамда Ш. Биқкинлар навбатдаги вазифалар хусусида маслаҳатлашмоқдалар.

Даврон Аҳмедов сурати.

* Огоҳ бўлайлик

ВАҲШИЙЛИК

1991 йил 16 ноябрь куни Миробод районидаги кўчалардан бирида қурилаётган бино учун олиб келинган плитка оралиғидан 4 ёшли қизчанинг мурдаси топилди. Дарҳол район прокурори ва оператив ходимлари етиб келишди. Мурда ҳар томонлама кўздан кечирилганда, унинг танасидаги жароҳатлар аниқланди. Ушбу ҳодиса бўйича район прокуратураси томонидан қасддан одам ўлдириш моддаси билан жиноий иш қўзғатилди. Дарҳол прокуратура ва жиноят қидирув бўлими ходимларидан иборат ташкилий гуруҳ тузилди. Олиб борилган қидирув ишлари натижасида 17 ноябрь куниёқ ўлдирилган қизчанинг ота-онаси топилди, шахси ва яшаш жойи аниқланди. У 1987 йилда туғилган Катя Паук бўлиб, шу районда яшар экан. Шу куни қотилни ҳам топишга муваффақ бўлинди. Жиноятчи З. исмли йигит экан, муқаддам икки маротаба судланган бўлиб, шулардан бири номусга тегиш жиноятидир.

З. 1990 йил апрель ойида қамоқхонадан бўшаб келгач, икки ой давомида ҳеч қаерда ишламаган. Сўнг икки ой ишлаб бўшаб кетган ва шу вақтгача дайдиб спиртли ичимликлар истеъмол қилиб юраверган. Унинг яшаш жойи эса Бектемир райони ҳудудида. Тўғри, З.нинг ишламасдан спиртли ичимликлар истеъмол қилиб юришини ота-онасию маҳалла аҳли яхши билган. Таажжубки, ҳеч ким унга ботиниб бирон гап айта олмаган. Оқибатда ушбу мудҳиш жиноят З. томонидан содир этилган. Лекин қизчанинг ўлимига ота-онасининг эътиборсизлиги ҳам сабабчи бўлган.

Қотил ўтган йили октябрь ойида Катянинг ота-онаси билан танишиб қолади. Шу маҳал қизнинг ота-онаси ичкиликка ружу қўйган бўлиб, бола тарбияси билан ишлари бўлмай қолган эди. Уларнинг Катядан бўлак яна уч фарзандлари бўлиб, иккитаси қиз ва биттаси 7 ёшли ўғил эди. Катта қизи оиладаги ёмон муҳитга чидай олмай, ўзига мустақил уй топиб чиқиб кетган. Қолганлари ичкиликка муккасидан кетган ота-оналари билан истиқомат қилишарди. Буни қарангки, Катянинг онаси Тошкент шаҳрида истиқомат қилишига қарамасдан ҳанузгача ҳеч қаерда фуқаро сифатида рўйхатдан ўтган эмас экан. Шунинг учун жажжигина Катянинг туғилиш ҳақидаги гувоҳномаси ҳам бўлмаган. Шундай қилиб З. бу хонадонга тез-тез келиб катталар билан спиртли ичимликлар истеъмол қилиб юрган. 15 ноябрь куни ҳам маст ҳолда Катяларникига келган. Қизчанинг отаси меҳмонни жуда яхши кутиб олган ва бирга ўтиришиб вино ичиша бошлашган. Ичимлик тугагач яна бир шиша топиб келишиб уни ҳам жиғилдонларига уришган. Шунда Катянинг онаси бошқа меҳмонни кузатиб қўйиш учун кўчага чиқиб кетган. З. қараса Катянинг отасининг мастликдан кўзи юмилиб уйқуга кетаяпти. У вақтдан фойдаланиб қизчани юпун кийими билан кўчага олиб чиқиб кетади ва Куйбишев кўчасидаги (Тошкент товар станцияси қаршисидаги) кўтарма кўприкнинг остига олиб келади. Шу ерда қизчани ерга қўйиб, устидаги кийим-бошларини еча бошлайди. Қизча қотилнинг ҳатти-ҳаракатларидан қўрқиб, йиғлайди. Бунга жавобан жиноятчи қизчанинг юзию кўзига мушт билан уриб тан жароҳати етказади, ғўдак зарбалардан ўзини йўқотиб қўяди. Жиноятчи ўзининг ваҳшиёна ҳаракатларини давом эттириб жажжигина қизчанинг номусига тегади. Сўнг содир этган жиноятини яшириш мақсадида қизчани бўғиб ўлдиради ва мурдани шу ердаги плиталар орасига ташлаб кетади. Шу тахлит эшитган одамнинг эти жунжикадиган ваҳшиёна жиноят содир бўлади.

Қасддан одам ўлдирган жиноятчига нисбатан одил суд албатта, ўз ҳукмини чиқаради. Лекин бизни бир нарса чуқур қайғуга солди. Нега бундай жиноятлар бизнинг жумҳуриятимизда содир этилмоқда? Маҳалла комитетларию участка инспекторлари тарбияси бузилганларга бефарқ бўлиб қолганликларининг оқибатими бу?

Абдунаби АЛИҚУЛОВ.

Акмал Икромов районида жойлашган Фарҳод бозори пойтахтимиздаги йирик ва гавжум бозорларнинг бири ҳисобланади. Ҳозирги тақчиликдан фойдаланиб, бирни ўнга пуллаш пайида юрганларни эса бундай бозорларда учратиш мумкин. Милиция ходимлари бу ерда мунтазам текширишлар ўтказиб, қонунбузарларга тегишли чоралар кўряптилар.

СУРАТДА: милиция катта лейтенанти Маҳамаджон Ҳусанов ва милиция катта сержанти Абдураҳмон Нигмоновлар текшириш пайтида қўлга туширилган ашёвий далилларни расмийлаштиришмоқда.

Сайдали Султонов сурати.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

УЗ ДУН РОБИТА

Уз дун робита

Ўзбекистон–Америка қўшма корхонаси

ҳозирги техник асримиздаги алоқанинг энг замонавий, тараққий этган тури бўлган

СОТ УСЛУБИДАГИ РАДИОТЕЛЕФОНЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Эркин муомаладаги валюта билан ҳисоб-китоб қилинади

Маълумотлар учун қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг: 40—26—59, 44—26—57.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«АЛПОМИШ» («ЮБИЛЕЙ») СПОРТ САРОЙИДА

30—31 МАЙ КУНЛАРИ ТАЭКВОНДО (ИТФ) БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ II ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Мусобақалар соат 10.00 да бошланади.
Чипталар спорт саройи кассаларида сотилмоқда.

ТОШКЕНТДАГИ «ҲАМКОРЛИК» МИНТАҚАВИЙ МАҲСУЛОТ ХОМ АШЕ БИРЖАСИ

тадбиркор, ишбилармон кишиларни воситачилик ишларини бажариш учун вақтинчалик хизматга қабул қилади. Иш ҳақи келишув бўйича.

Ойига 10 мингдан 50 минг сўмгача ва ундан ҳам юқори миқдорда фойда тушиши мумкин.

Бирданига бой бўлиб кетиш имкониятини қўлдан берманг.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 16 «а» уй. Метронинг «Ойбек» станцияси атрофида. Телефонлар: 54-89-78, 54-93-31.

ҲУРМАТЛИ ЙЎЛОВЧИЛАР, САЁҲАТ ИШҚИБОЗЛАРИ!

Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчилар ташиш автокорхонаси сизни Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг исталган жойларига юмшоқ ўринли «Икарус» ва «Кароса» автобусларида қадимий Самарқандни, кўҳна Бухорою Шоҳимардон зиёратгоҳларини ва Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбараларини зиёрат қилиш учун автобус ажратади. Шу билан бирга оилавий тантана, никоҳ маросимларига, маъмурият хизмат ишларига вилоятлар бўйлаб ЛАЗ-695, ПАЗ-672 автобусларини ҳам ажратади.

Буюртмалар нақд пул тўлаш ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент вилояти, Қибрай ноҳияси, Свободний қўрғони, Мир кўчаси. Мулоқот телефонлари: 65-33-54, 65-35-55.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚИЙ ТЕАТРИ

Июнь ойи

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/VI да — «Қампир кетармиш»
3/VI да — «Давлат болалари»
4/VI да — «Куёвлар танлови»
5/VI да — «Юсуф ва Зулайҳо»
6/VI да — «Дилафрўзга тўрт ошиқ» (премьера).
7/VI да — Катта концерт
8/VI да — «Ака-ука совчилар»
10/VI да — «Муҳаббат навоси»
11/VI да — «Давлат болалари»
12/VI да — «Куёвлар танлови»
13/VI да — «Менинг оппоқ кабутарларим»
14/VI да — Катта концерт
15/VI да — Катта концерт
17/VI да — «Ака-ука совчилар».
18/VI да — «Юсуф ва Зулайҳо»
19/VI да — «Паранжи сирлари»
20/VI да — «Куёвлар танлови»
21/VI да — Катта концерт
22/VI да — Катта концерт
24/VI да — «Давлат болалари»
25/VI да — «Дилафрўзга тўрт ошиқ» (премьера)
26/VI да — Катта концерт
27/VI да — Катта концерт
28/VI да — «Дилафрўзга тўрт ошиқ» (премьера)
29/VI да — «Анқовлар чайқови»

Спектакллар кеч соат 18.00 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Театрнинг директори — Шуҳрат РАСУЛОВ.
Бош дирижер — Наби ХАЛИЛОВ.

«Тошкент оқшоми» рўзномасига малакали машинистка ва мусаҳҳиҳ (корректор) керак.

Ленинград кўчаси, 32-уй, 222,226-хонага мурожаат қилинг. Телефон: 32-55-39, 32-55-21.

Ҳамза район ҳокимлиги ва район маҳаллалар кенгаши Амир Темур номидаги маҳалла комитетининг раиси

Маҳмуд ОДИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000. ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

Нашр кўрсаткичи 64690 • Босмага бериш вақти 11:30. • Босмага берилди. 11.30. Буюртма Г—134. • 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.